Initial values w_0 and h_0 are taken from the parameters of the considered area P, obtained after the algorithm for limiting the search area of the object in the frame.

The color histogram is calculated by the color-difference components U и V color space *YUV*

$$U = -0.14713R - 0.28886G + 0.436B + 128$$
$$V = 0.615R - 0.51499G - 1.0001B + 128$$

where R, G, B are 8-bit color values.

Such a histogram has a smaller size, unlike a histogram consisting of three components of the RGB space, and such a histogram is more resistant to changes in the brightness component in the image.

Gradient descent, applied to determine the parameters of the four parametric model, has computational complexity $O(n^2)$. As soon as the value of the color histogram matching criterion in the identification method becomes higher than a certain threshold ρ_{th}, or the number of iterations exceeded the maximum value i_{max}, the identification process is terminated. The image of an object is considered found on the frame if the minimum value of the similarity threshold is exceeded ρ_{th}.

REFERENCE

1. Guoshen, Yu. ASIFT: An Algorithm for Fully Affine Invariant Comparison, Image Processing On Line /Yu. Guoshen, M. Jean-Michel//Image Processing On Line. – 2011 – №1. http://www.ipol.im/pub/art/2011/my-asift/article.pdf.

2. Kenneth, D.-H. A Practical Introduction to Computer Vision with Open CV/D.-H. Kenneth. – Ireland: Trinity College Dublin, Ireland, 2014, – 234 p. – ISBN 978-1-118-84845-6.

3. Bernatovich A. S. An active experiment in the identification of functional systems for the operational implementation of simulation-type models / / Cybernetics.- 1983. - No.1.- pp. 99-104.

4. Ayvazyan S. A., Bukhstaber V. M., Enyukov I. S., Meshalkin L. D. Applied statistics. Classification and dimension reduction. Moscow: Finance and Statistics, 1989. 608 p.

5. Anderson D. Tannehill G. Pletcher R. 1990 Vychislitelnya gidromehanika i petloobmen (Moscow: Mir) Moscow: Nauka)

6. Sedova N., Sedov V., Bazhenov R., Karavka A., Beknazarova S. Automated Stationary Obstacle Avoidance When Navigating a Marine Craft //2019 International Multi-Conference on Engineering, Computer and Information Sciences, SIBIRCON 2019; Novosibirsk; Russian Federation; 21 October 2019

7. Beknazarova S., Mukhamadiyev A.Sh. Jaumitbayeva M.K.Processing color images, brightness and color conversion//International Conference on Information Science and Communications Technologies ICISCT 2019 Applications, Trends and Opportunities. Tashkent 2019N.

8. Beknazarova S., Mukhamadiyev A.Sh. Park Insu, Adbullayev S. The Mask Of Objects In Intellectual Irrigation Systems//International Conference on Information Science and Communications Technologies ICISCT 2020 Applications, Trends and Opportunities. Tashkent 2020.

9. Beknazarova S., Sadullaeva Sh., Abdurakhmanov K, Beknazarov K. Nonlinear cross-systems of numerical simulation of diffusion processes//International Conference on Information Science and Communications Technologies ICISCT 2020 Applications, Trends and Opportunities. Tashkent 2020.

УДК 546.549.02.

МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН КЛИНОПТИЛОТИТ АСОСИДА ОЛИНГАН СОРБЕНТНИНГ АДСОРБЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ

Файзуллаев Нормурот Ибодуллаевич
СамДУ, Профессор, т.ф.д., E-mail:fayzullayev72@inbox.ru

Саримсакова Нилуфар Собиржоновна
НамМҚИ, таянч докторант, E-mail: sarimsakova1973@mail.ru

Рустамов Илёс Тухтаназарович
НамМҚИ, *ўқитувчи, E-mail: ilyosrustamov66@gmail.com*

Аннотация. Ушбу тадқиқот ишида Кармана конидан олинган клиноптилотитни кислотали модификациялаш жараёни натижасида олинган сорбентнинг адсорбцион хусусиятлари ўрганилди.

Тадқикот ишида модификацияланган клиноптилолитнинг гистограммаларини аниқлаш учун 0,4-0,6 г. адсорбент намунаси, 0,5-2,0 мм фракциялари танлаб олинди.

Тажриба натижаларига кўра клиноптилолитда сув буғи, этил спирт ва бензол каби моддалар жуда оз миқдорда адсорбцияланди. Клиноптилолитни деалюминлашнинг сўнгги даражаси 40% га яқин бўлганда, сув буғлари учун 3,5 % , этил спирти учун 27% ва бензол

учун 36% да энг юқори қийматга етди, яъни намуналарнинг адсорбцион сиғими ўсганлиги аниқланди.

Цеолитнинг деалюминлаш даражаси билан унинг адсорбцион хусусиятларини белгилаш мумкинлиги аниқланди.

Аннотация. В настоящей работе изучены адсорбционные свойства сорбента, полученного в результате кислотной модификации клиноптилотита Карманского месторождения.

0,4-0,6 г для определения гистограмм модифицированного клиноптилолита в исследовательской работе. пробы адсорбента отбирали фракции 0,5-2,0 мм.

По результатам эксперимента такие вещества, как пары воды, этиловый спирт и бензол, адсорбировались в клиноптилолите в очень малых количествах. При конечной степени десорбции клиноптилолита, близкой к 40 %, она достигала наибольшего значения при 3,5 % по водяному пару, 27 % по этиловому спирту и 36 % по бензолу, что означает увеличение адсорбционной способности образцов.

Установлено, что адсорбционные свойства цеолита можно определить по степени насыщения.

Abstract. Objestive. In this work, we studied the adsorption properties of the sorbent obtained as a result of the acid modification of clinoptilotite from the Karman deposit.

Methods.0.4-0.6 g for determination of histograms of modified clinoptilolite in research work. adsorbent samples were taken fractions of 0.5-2.0 mm.

Results. According to the results of the experiment, substances such as water vapor, ethyl alcohol, and benzene were adsorbed in clinoptilolite in very small amounts. With a final degree of desorption of clinoptilolite close to 40%, it reached the highest value at 3.5% for water vapor, 27% for ethanol and 36% for benzene, which means an increase in the adsorption capacity of the samples.

It has been established that the adsorption properties of zeolite can be determined by the degree of saturation.

Калит сўзлар: клиноптилолит, цеолит, модификация, деалюминлаш, изотерма, сорбент, этил спирт, бензол, гистограмма, адсорбция.

Ключевые слова: клиноптилолит, цеолит, модификация, деалюминация, изотерма, сорбент, этиловый спирт, бензол, гистограмма, адсорбция.

Key words: clinoptilolite, zeolite, modification, dealumination, isotherm, sorbent, ethyl alcohol, benzene, histogram, adsorption.

КИРИШ

Цеолитлар ўзининг бир қатор хусусиятлари туфайли ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида фойдаланилади, шунингдек, уларнинг жаҳон бозоридаги йиллик айланмаси бир неча миллион тоннани ташкил қилади [1-2]. Цеолитлардан газ, нефт-кимёси, ион алмашинишда (сувларни юмшатиш ва тозалаш), буғлар, газларни адсорбциялаш ва ажратишда ҳамда газлар ва эритмалардаги аралашмаларни йўқотишда (экологик хавфли ва зарарли) кенг қўлланилмоқда [3].

Маълумки, табиий цеолитлар ноорганик сорбентлар синфига кириб, уларни структуралари каркасли алюмосиликатларнинг катта гуруҳини ташкил қилади[1]. Шунингдек, табиий цеолитлар бир нечта ноёб хусусиятларга, жумладан ионалмашиниш қобилиятига, катион алмашинувчи сиғимнинг юқорилиги, микро ва наноғоваклик структураси туфайли узоқ муддатдан бери кенг кўламда ишлатилиб келинмоқда [4-5]. Сорбентлар парафинли углеводородларнинг таркибидаги қўшимчалардан тозалаш, турли

газлар ва суюқликларнинг аралашмасини бир-биридан ажратиш учун юқори самарага эга бўлган система сифатида қўлланилиб, сорбентларга техник ва тиббий қайта ишлаш учун йўлланма сифатида фойдаланилади [6-8]. Адсорбция жараёнига табиий минераллар таркиблари ва тузилишларининг турлича бўлиши, уларнинг физик-кимёвий параметрлари ва бошқа амалий боғланишларига таъсирини фундаментал текширишларни олиб бориш имкониятини бермайди [9]. Материалларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўзгартиришнинг энг мақбул усулларидан бири механик қайта ишлаш ҳисобланиб, унинг натижасида материалларнинг солиштирма сирт юзасининг тузилиши ва фазовий таркиби ҳам биргаликда ўзгариб [10-11], материалларнинг хизмат қилиш хусусиятида ўзгаришлар содир бўлишига олиб келади [12]. Адсорбцион усуллар энг кенг тарқалган бўлиб, кимё саноатида углеводородларни турли хил аралашмалардан ва олтингугуртли бирикмалардан тозалашда, шунингдек [13], бу усулларнинг қўлланилиши қимматбаҳо бирикмаларни ишлаб чиқаришга қайтариш имконини ҳам беради [14-15].

Нефтни қайта ишловчи саноат корхоналарида нефт ва газ маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун, биринчи навбатда углеводород хомашёсини етказиб берувчи корхоналарда ҳам катализаторлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ишлаб чиқаришни албатта синтетик цеолитларсиз амалга ошириб бўлмайди [16-17].

Адсорбцияловчи материаллар сифатида фойдаланиш учун улар бир нечта муҳим талабларга жавоб бериши лозим: солиштирма сирт-юзасининг катта бўлиши, танлаб таъсир этувчанлик ва осон регенерация қилинишидир [18].

Бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган цеолитларнинг таннархи бир оз қиммат бўлиб, энг асосий муаммоларидан бири унинг таннархини арзонлаштириш ва синтез қилиш технологияларини соддалаштиришдан иборат [19-20].

ТАЖРИБА ҚИСМИ

Кимёвий модификациялаш - сорбентлар ғовакли тузилишини ўзгартиришнинг энг мақбул усулларидан бири ҳисобланади [21].

Адсорбция жараёнларида сорбентнинг текстур хусусиятларини характерлаш учун (солиштирма сирт юза, ғоваклар ҳажми ва ғовакларнинг ўлчамлари бўйича тақсимланиши) азотнинг қуйи ҳароратли адсорбцияси усулидан фойдаланилди. Тажриба натижаларини олиш учун босимларнинг кенг оралиғида – 0 дан 1 P/P_s гача ўлчанган адсорбция гистограммалари ўрганилди [22].

Табиий сорбентларнинг кимёвий ва минерал таркиблари, структурасининг ўзига хосликлари ҳамда уларнинг текстур характеристикалари адсорбция жараёнларини ўрганиш ва сорбентлар яратишда асосий омил ҳисобланади [23].

Клиноптилолитнинг каталитик хусусиятларини оширишнинг энг мақбул усулларидан бири алюминосиликатнинг Н-шаклини ҳосил қилиш, шунингдек, минерал кислоталарнинг эритмаларида кейинги модификация қилиш имконияти билан амалга ошириладиган катион алмашинуви жараёнлари ҳисобланади.

Клиноптитолитни фаоллаштириш қуйидаги асосий жараёнларни ўз ичига олади.

- майда фракцияларни бойитиш ва танлаш;
- хлорид кислота билан фаоллаштириш;
- ҳосил бўлган суспензияни центрифугалаш;
- фаол лойни ювиш;
- фильтрлаш;
- қуритиш.

Кислотали фаоллаштириш қуйидаги кетма-кетликда олиб борилди: клиноптилолит

термостатланадиган юмалоқ тубли колбага жойлаштирилди ва унга туз кислотасининг сувли эритмаси қуйилди. Клиноптилолитга ишлов беришда дастлаб, уни яхшилаб майдаланиб, 0:3,0 мм фракцияси танланди, бу саноатда фойдаланиладиган умумий вазифадаги адсорбентлар гранулалари ҳажмига мос келади.

Клиноптилолитга кислотали ишлов беришда оптимал шароитлар қуйидаги чегараларда ўзгариб турди:


кислота концентрацияси, $C_к$, N – 0,5-10,0

ҳарорат, t^oC - 20-90

вақт, τ, соат - 2-10

Қаттиқ ва суюқ (Қ:С) фазалар нисбати барча тажрибаларда 5 ни ташкил этди. Бу реакцион массанинг нормал аралашиши ва ишлов бериш тугагандан кейин кислотали эритмаларда водород ионларининг зарурий ортиқчасини (дастлабки концентрациядан камида 25 %) таъминлади.

Кармана клиноптилолитини кислотали модификация қилингандан сўнг олинган цеолитлар қуйидаги кўринишга эга бўлди(1-расм).




1-расм. Табиий ва кислотали ишлов берилган клиноптилолитнинг СЭМ тасвири

Клиноптилолитнинг водород шакли ҳосил бўлишига асосий сабаб, ушбу фаоллашув натижасида клиноптилолит таркибида мусбат зарядланган алмашинадиган катионларни водород ионлари билан алмаштириш билан боғлиқ баъзи ўзгаришлар рўй беришидир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, алмашинадиган катионларни максимал даражада активлаштирувчи концентрациясига қараб ювишга эришиш мумкин. Тажрибадан маълумки, клиноптилолитни хлорид кислота билан қайта ишлаш натижасида H^+ ионлари Na^+, Ca^{2+}, Mg^{2+} катионлари билан тўлиқ алмашинишга эришиш мумкин, бу эса ўз навбатида клиноптилолитнинг сирт-юзаси, ғовакларининг радиуси, ҳамда ҳажмини ошишига олиб келди.

ТАЖРИБА НАТИЖАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУҲОКАМАСИ

Модификациялашдан аввалги ва кейинги адсорбент намуналарининг тажриба натижасида олинган рентгенограммалари, рефлексларни интенсивлик хусусияти ва яссиликлар аро масофалари бўйича таққосланди (=9А; 5,13А; 3,97А; 2,97А; 2,80А). Рентгенограммалар таҳлилидан шу нарса маълум бўлдики, деалюминлаш даражаси 40% гача бўлган барча намуналар кристаллик структурасини сақлаб қолади.Чизиқларнинг яссиликлар аро масофалари (d) ўзгармайди, бунда бироқ асосий рефлексларнинг интенсивлиги камаяди, бу эса адсорбентларда кристаллик фаза камайганлигидан далолат беради(2-расм).



2-расм. Клиноптилолит намуналарининг гистограммалари (%) (деалюминлашнинг турли даражаларида)


Клиноптилолитга кислотали ишлов бериш натижасида деалюминлаш даражаси 11%, 27%, 36% ва 48% га тенг бўлгандаги гистограммадан кўриниб турибдики, адсорбент кристаллик структурасининг 2,97А ўзгаришида деалюминлаш даражаси энг максимал қийматга эришар экан.

Цеолитнинг деалюминлаш даражасини 50% га етказилганда кристалл панжараларнинг кўпроқ бузилишига, яъни унинг аморфизациясига олиб келди. Модификацияланган клиноптилолит намуналарида деалюминлашнинг турли даражаларида сув буғлари, этил спирти ва бензол адсорбцияси гистограммалари олинди.

Олинган адсорбция гистограммалари шаклига фаол марказларнинг табиати ва миқдори, шунингдек, табиий сорбентлар ғовакли тузилишининг бир жинсли эмаслиги сезиларли таъсир кўрсатди.

Адсорбент намунасининг 0,4-0,6 г.даги гистограммаларини олиш учун 0,5-2,0 мм фракциялар танлаб олинди. Регенерация жараёни ҳарорат t=250^{o}C да олиб борилди, шунингдек, айни вақтда P=10^{-5} мм.сим.уст. қолдиқ босимгача вакуумлаш ишлари олиб борилди.

Клиноптилолит намуналарига кислота билан ишлов бериш натижасида олинган деалюминлаш даражаси турлича бўлган сорбентларга 25^{o}Сда сув буғларини адсорбцияси гистограммалари келтирилган(3-расм).



3-расм. 25^{o}Сда клиноптилолит намуналарида сув буғлари адсорбцияси гистограммалари.


Кислотали ишлов бериш тартиби қуйидагича:

x-C-5,0N; t=90°C τ-10c
***-C-2,5N; t=90°C τ-16c**
y-C-10,0N; t=90°C τ-2,0c


Гистограммадан кўриниб турибдики, цеолит намуналарида тажрибалар ҳарорати 25°С, адсорбтив буғларининг нисбий босими 0,4 гача. сув буғлари адсорбцияси гистограммалари деалюминлаш даражаси 3,5-27% бўлган дастлабки клиноптилолит адсорбцияси гистограммаларидан кам фарқ қилади. Уларнинг барчасида кескин кўтариладиган майдонлар мавжуд бўлиб, ушбу намуналарнинг адсорбцион сиғимлари бир-бирига солиштирилади.

Гистограмманинг бошланғич соҳалари тиклигини пасайтириш деалюминлаш даражасини келгусида ошириш, яъни P/P_3 паст қийматларда сув буғлари бўйича намуналарнинг адсорбцион сиғими камайишига олиб келади.

Дастлабки клиноптилолитда сув буғларига нисбатан этил спирт ва бензол жуда оз миқдорда адсорбцияланади, бунинг сабаби, цеолит структурасидаги иккиламчи ғоваклилик мавжудлиги билан тушунтирилади(4,5-расм).



4-расм.
25°Сда клиноптилолит намуналарида этил спирти буғлари адсорбцияси гистограммалари.



5-расм
25°Сда модификацияланган клиноптилолит намуналарида бензол адсорбцияси гистограммалари.

Деалюминлаш даражаси ортган сари гистограммалар тиклиги ортади, намуналарнинг адсорбцион сиғимлари ошиб, клиноптилолитни деалюминлаш даражаси этил спирти учун 27% ва бензол учун 36% да энг юқори қийматга эришиб, деалюминлаш даражасининг келгусида ошиши цеолитнинг адсорбцион сиғими пасайишига олиб келади.

Юқорида келтирилган адсорбция гистограммаларидан кўриниб турибдики, клиноптилолитнинг деалюминлаш даражаси ошган сари, унинг адсорбцион хоссаларини ўзгариши адсорбтив турига боғлиқ экан. Клиноптилолит деалюминлаш даражаларининг бутун тадқиқ қилинган интервалида агар сув буғлари адсорбцияси гистограммалари бир-биридан кам фарқ қилса, этил спирт ва бензол ҳолатида деалюминлаш даражасининг адсорбция катталигига таъсири анча кескин намоён бўлади.

ХУЛОСА

Цеолитнинг адсорбцион хусусиятлари деалюминлаш даражаси билан белгиланиши аниқланиб, кислота билан ишлов берилган намуналарда деалюминлаш даражаси бир хил бўлган, бироқ турли шароитларда компонент адсорбцияси катталиги яқин қийматларга эга эканлиги тасдиқланди.

Клиноптилолитни деалюминлашнинг сўнгги даражаси 40% га яқин бўлганда, намуналарнинг адсорбцион сиғими ўсиб, этил спирти учун 27% ва бензол учун 36% да энг юқори қийматга эришиши аниқланди.

Клиноптилолитнинг деалюминлаш даражаси катталиги сорбтив молекулалари ҳажмига боғлиқ бўлганлиги учун кислотали модификациялаш режими адсорбентнинг мақсадли вазифасидан келиб чиққан ҳолда танланиши лозим экан.

АДАБИЁТЛАР

1. Feng C., Khulbe K.C., Matsuura T, Farnood R., Ismail A.F. Recent progress in zeolite/zeotype membranes. Journal of Membrane Science and Research, 2015, V. 1, №2, p. 49 – 72.
2. Голохваст К.С., Паничев А.М., Чекрыжов И.Ю., Кусайкин М.И. Способ измельчения Навбахорского бентонита для производства биологически активных добавок. Химико-фармацевтическийжурнал, 2010, т. 44, №2, с. 37 – 40.
3. Lin C.H., Dambrowitz K.A., Kuznicki S.M. Evolving applications of zeolite molecular sieves. The Canadian Journal of Chemical Engineering, 2012, V. 90, №2, p. 207 – 216.
4. Mamadoliev, I.I., Fayzullaev, N.I., Khalikov, K.M.Synthesis of high silicon of zeolites and their sorption properties//International Journal of Control and Automation, 2020, 13(2), стр. 703–709.
5. Mamadoliev, I.I., Fayzullaev, N.I.Optimization of the activation conditions of high silicon zeolite//International Journal of Advanced Science and Technology, 2020, 29(3), стр. 6807–6813.
6. Feng C., Khulbe K.C., Matsuura T, Farnood R., Ismail A.F. Recent progress in zeolite/zeotype membranes. Journal of Membrane Science and Research, 2015, V. 1, №2, p. 49 – 72.
7. Голохваст К.С., Паничев А.М., Чекрыжов И.Ю., Кусайкин М.И. Способ измельчения Навбахорского бентонита для производства биологически активных добавок. Химико-фармацевтическийжурнал, 2010, т. 44, №2, с. 37 – 40.
8. Mukhammadjon, J., Dilshod, R., & Botirov, E. (2022). ESSENTIAL OIL COMPOSITION OF TWO SPECIES OF SCUTELLARIAAERIAL PARTS FROM UZBEKISTAN AND THEIR ANTIMICROBIAL ACTIVITIES. BEST SCIENTIFIC RESEARCH, 1(1), 208-215.
9. Мамаджанов, З. Н., Абдуназаров, Ф. А., & Рустамов, И. Т. (2022). ЦЕНТРОБЕЖНАЯ МЕЛЬНИЦА С КЛАССИФИКАТОРОМ СЛОИСТОГО ПОТОКА ДЛЯ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ В ПРОИЗВОДСТВЕ ПОРОШКОВОГО НЕФТЯНОГО КОКСА В УЗБЕКИСТАНЕ. Universum: технические науки, (3-5 (96)), 23-28.
10. Abdumutalovna, M. S., & Sobirjonovna, S. N. (2016). Bioecology of Fungi-Pathogens of Flower Crops and the System to Combat Them. Agricultural sciences, 7(08), 539.
11. Арисланов, А. С., Шамшидинов, И. Т., Мамаджонов, З. Н., & Мухиддинов, Д. Х. (2020). СПОСОБ ПОЛУЧЕНИЕ СУЛЬФАТА АЛЮМИНИЯ ИЗ МЕСТНЫХ АЛЮМОСИЛИКАТОВ. In ИННОВАЦИОННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ И ПРАКТИЧЕСКОЕ ПРИМЕНЕНИЕ (pp. 12-14).
12. Rakhmonov, D., & Gayipov, A. (2022). STUDY OF COMPOSITION AND CRITICAL

PARAMETERS OF DUST FROM LOCAL COTTON INDUSTRY. International Bulletin of Applied Science and Technology, 2(9), 77-81.
13. Файзуллаев, Н. И., & Саримсакова, Н. С. (2014). Каталитический синтез винилхлорида и хлоропрена гидрохлорированием ацетилена. Материалы Всероссийской конференции с международным участием “Современные достижения химии непредельных соединений: алкинов, алкенов, аренов и гетероаренов”.
14. Шамшидинов, И. Т., Нажмиддинов, Р. Ю., Мамуров, Б. А., & Рустамов, И. Т. (2022). МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТЛАРИДАН ФОСФОРЛИ ОДДИЙ ЎҒИТЛАР ОЛИШДА СУВ ТОЗАЛАШ ИНШООТИ КАРБОНАТЛИ ЧИҚИНДИСИДАН ФОЙДАЛАНИШ. Research Focus, 1(1), 126-132.
15. Ergashev, S., G‘oyipov, A., & Alimuxamedov, M. (2022). KOMPOZITSION FENOL-FORMALDEGID OLIGOMERLARINING TARKIBINI NEFELOMETRIK USULDA O ‘RGANISH. Science and innovation, 1(A5), 424-430.
16. Саримсакова, Н. С., Файзуллаев, Н. И., & Бакиева, Х. А. (2021). МЕХАНИЗМ И КИНЕТИКА РЕАКЦИИ ПОЛУЧЕНИЯ ЭТИЛОВОГО ЭФИРА ИЗ УКСУСНОЙ КИСЛОТЫ. Universum: технические науки, (5-4 (86)), 103-108.
17. Khayitov, B., & Rustamov, I. (2022). КИМЁВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШНИДА ИНТЕРАКТИВ ДАРСЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. Science and innovation, 1(B5), 464-468.
18. Jo‘rayev, M. (2022). KO‘KAMARON O‘SIMLIGINING KODENSIRLANGAN FENOLLI BIRIKMALARI.
19. Сайфиддинов, О., Ғойипов, А., & Рахмонов, Д. (2022). КОМПОЗИЦИОН ФЕНОЛ-ФОРМАЛЬДЕГИД СМОЛАЛАРИНИ ТЕРМИК ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ.
20. Arifjanovich, M. B., & G‘iyosiddinovna, M. M. (2022). TEXNIK TA’LIMDA, DARSLARNI ILG ‘OR PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA LOYIHALASH. IJODKOR O‘QITUVCHI, 2(23), 373-377.
21. Хайитов, Б. А., & Рустамов, И. Т. КИМЁВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШНИДА ИНТЕРАКТИВ ДАРСЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.
22. G‘oyipov, A., Mamayunusova, M., & Ergasheva, Z. (2022). QOVOQ MAG ‘ZINING TARKIBINI TADQIQ ETISH.
23. Shermatov, A., & Maulyanov, S. (2022). KINETICS OF ISOLATION OF COLCHICINE AND COLCHAMINE ALKALOIDS FROM PLANT CONTENTS. Science and Innovation, 1(5), 431-436.

UDK: 629.4.017

YO‘L TO‘SHAMALARIDA PAYDO BO‘LADIGAN DEFORMATSIYALARNI O‘RGANISH VA UNING YECHIMLARI

Xabibullayev Alimardon Hidoyatillayevich
NamMQI, dotsent khabibullaev84@mail.ru, (998972574656)

Qo‘ysinaliyev Nuriddin Zafarali o‘g'li
NamMQI, o‘qituvchi qoysinaliyevn776@gmail.com, (998994922726)

A’zamov Rahmatali Rohatali o‘g’li
NamMQI, o‘qituvchi raxmatali199@gmail.com Tel: +998902615540

Abduqaxxorov Xusniddin Abdusalom o‘g’li
NamMQI, magistr husniddin1992@gmail.com Tel: +998903455076

Annotatsiya: Ushbu maqolada avtomobil yo‘llarida uchrayotgan nuqsonlarni bartaraf etish hamda qurib foydalanishga topshirilgan yo‘llarimizning tez orada ta’mirtalab ahvolga kelib qolayotganligi, qurilish jarayoniga sarflanayotgan mablag’larni inobatga olgan holatda, yo‘llarimiz bugungi kunda toshbetonli yo‘llarga o‘tish kerakligi taklif etilgan. Yo‘llarimizning qurishdan avval asos qoplamani qurish jarayoni, shu bilan bir qatorda, qurish vaqtining o‘zida ishlov berishimiz kerakligi yaroqlilik muddatining uzayishiga va iqtisodiy jihatdan samaradorlikka erishishga olib keladi.

Аннотация: В данной статье отмечается, что ремонт дорог и ввод в эксплуатацию наших дорог скоро будут в аварийном состоянии, предположил необходимость зубьев. Процесс укладки тротуарной плитки перед строительством наших дорог. В то же время тот факт, что нам приходится перерабатывать его во время строительства, приводит к увеличению срока службы и экономической эффективности.

Annotation: In this article, it is noted that the repair of roads and the commissioning of our roads will soon be in a state of disrepair. Suggested the need for teeth. The process of building the pavement before the construction of our roads. At the same time, the fact that we have to process it at the time of construction, leads to an increase in service life and economic efficiency.

Kalit so‘zlar: GOST standarti, chaqiqtosh-qum,mustahkamlangan grunt, ishlov berilgan materiallar, sement sarfi, shlakoportlandsement,marka, avtogreyder, zichlangan xolati,yo‘ldagi defektlar, yo‘l qoplamasi, sifat ko‘rsatkichlari, mustahkamlik parametrlari, zichlash ishlari, grunt.

Ключевые слова: ГОСТ, гравийно-песчаный, армированный грунт, перерабатываемые материалы, расход цемента, шлакопортландцемент, марка, автогрейдер, уплотненное состояние, дорожные дефекты, дорожное покрытие, качественные показатели, прочностные показатели, работы по уплотнению, грунтовка.

Keywords: GOST standard, gravel-sand, reinforced soil, processed materials, cement consumption, slagportland cement, brand, motor grader, compacted condition, road defects, road surface, quality indicators, strength parameters, compaction works, grunt.

Kirish. Bugungi kunda rivojlangan davlatlarda bo‘lganiday O‘zbekistonning ham umumiy foydalanuvdagi avtomobil yo‘llarining sementbeton qoplamali yo‘llarga o‘tishi to‘g’risida prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev 2019-yil 2-oktyabrda bo‘lib o‘tgan yig’ilishda berilgan topshiriqlarning ijrosini ta’minlash vaqtida shunday vaziyatlarga amin bo‘lindiki, yo‘llarni sement bilan ishlov berilgan chaqiqtosh-qum, shag‘al-qumli aralashmalar va gruntlardan asos va qoplamalar qurishning usullari ishlab chiqildi. SHNK 3.06.03-08 ning 8.10 bandi talabiga asosan, sement bilan ishlov berilgan tosh materiallardan asoslarni (qoplamalarni) quruq havoda, kunlik o‘rtacha harorat $+5^0$C dan past bo‘lmaganda bajarilishi ko‘rsatilgan.

Avtomobil yo‘llarining sementbeton qoplamalarini qurish T. J. Amirovning “Avtomobil yo‘llari va aerodromlar sementbeton qoplamalarini qurish” nomli o‘quv qo‘llanmasida keng yoritilgan. Shuning uchun ushbu o‘quv qo‘llanmada sementbeton qoplamalarining yuza qatlamlarini ta’mirlash, qoplama yuzasini ta’mirlashga tayyorlash, sement “qaymog‘i” ning ko‘chishini bartaraf etish jarayoni, qoplamaning yuza qatlamini ta’mirlash uchun materiallar, qoplama yuzasini ta’mirlashga tayyorlash bo‘yicha amalga oshiriladigan ishlar, qorishmani tayyorlash usullari ilmiy nuqtayi nazardan tadqiq qilingan va ularni amalga oshirish bo‘yicha tavsiyalar berilgan[2].

Materiallar va metodlar. Maqolani tayyorlashda qiyosiy tahlil hamda chet el tajribalarini o‘rganish va milliylashtirish, shu bilan bir qatorda, rivojlangan davlatlarda qo‘llanilayotgan texnologiyalarni milliylashtirishga va, albatta, o‘z imkoniyatimizga katta e’tibor qaratilgan

Asosiy qism. GOST23558-94 “Yo‘l va aerodromlar uchun noorganik bog‘lovchi materiallar bilan ishlov berilgan chaqiqtosh-qum, shag‘al-qumli aralashmalar va gruntlar” bo‘yicha chaqiqtosh qum, shag‘al-qumli aralashmalar va gruntlardan tayyorlanadigan materiallar tayyorlanishi usuliga ko‘ra quyidagicha nomlanadi:

Ishlov berilgan material.Ya’ni, chaqiqtosh-qum, shag‘al-qum, chaqiqtosh-shag‘al-qumli aralashmalar, qum-shlakli aralashmalar, qumni sement va suv bilan qorishtirish uskunalarda (BSU) aralashtirib olingan va loyixaviy yoki oraliq muddatlarda sovuqbardoshlik va mustahkamlik kabi sifat ko‘rsatkichlariga javob beradigan sun’iy materialga ishlov berilgan (obrabotanniy) material deyiladi.



1-rasm. Asos va qo‘shimcha qatlamlarga hamda qoplamalarga qo‘llanilis ishlov berish jarayoni

Yo‘l qurilishida asosiy e’tiborni mustahkamlangan (ukreplenniy) gruntga qaratishimiz kerak bo‘ladi. Mustahkamlangan grunt deganda gruntni sement va suv bilan, odatda obyektni o‘zida qorishtirish orqali olingan va loyihaviy yoki oraliq muddatlarda sovuqbardoshlik va mustahkamlik kabi sifat ko‘rsatkichlariga javob beradigan sun’iy materialga mustahkamlangan grunt deb aytiladi. GOST 23558-94 ning 1-bandi ham doirada ko‘rish mumkin. Ushbu standart shag'al-shag'al-qum aralashmalari va poydevorlarni qurish uchun ishlatiladigan noorganik sementlash materiallari bilan ishlov berilgan tuproqlarga nisbatan qo‘llaniladi. Biz yuqorida aytib o‘tgan ishlov berilgan materiallar va mustahkamlangan gruntlarni avtomobil yo‘llari va aerodromlar qurishda quyidagi qatlamlar uchun qo‘llash mumkin[3]:

- Asos qatlamlariga
- Asosning qo‘shimcha qatlamlariga

Qoplamalarga

Ishlov berilgan materiallar va mustahkamlangan gruntlarga mustahkamlik bo‘yicha markalar belgilangan:

Shu o‘rinda e’tibor berish lozimki, M75 marka uchun, siqilishdagi mustahkamlik 7,5 MPa bilan bir qatorda egilishdagi cho‘zilishi bo‘yicha mustahkamlik 1,5 MPa dan kam bo‘lmaslik talablariham mavjud. Lekin bu talab, aksariyat loyihalarda tekshirilmay qolib ketmoqda [1].

Eng ahamiyatli tomoni shundaki, yo‘l konstruksiyasini hisoblashda siqilishdagi emas, balki egilishdagi cho‘zilishi bo‘yicha mustahkamlik qo‘llaniladi. Amaliyotdan ma’lum bo‘lmoqdaki, siqilishdagi mustaxkamligi 7,5 MPa ni tashkil qilganda, egilishdagi mustahkamlik ko‘rsatkichi 1,5 MPa ni ta’minlay olmaydi.

1-jadval.

Gruntlarning mustahkamlik bo‘yicha markalar

Kuch darajasi	Kuchlanish kuchi, MPa (kgf/sq.sm), dan kam emas	
	siqish uchun R_{sj}	kuchlanishli egilish uchun R_{izg}
M10	1,0 (10)	0,2 (2)
M20	2,0 (20)	0,4 (4)
M40	4,0 (40)	0,8 (8)
M60	6,0 (60)	1,2 (12)
M75	7,5 (75)	1,5 (15)
M100	10,0 (100)	2,0 (20)

Kam sementli chaqiqtosh qum aralashmasidan olingan namunani egilishdagi cho‘zilishga bo‘lgan mustahkamlik markasi 1,5 MPa, amalda siqilishdagi mustahkamlik ko‘rsatkichi 10-12 MPa bo‘lgandagina ta’minlanayapti. Olib borilgan ilmiy tadqiqotlar natijasida shu ayon bo‘ldiki kam sementli beton qorishmasini egilishdagi cho‘zilishga bo‘lgan mustaxkamligini sement miqdorini ko‘paytirish hisobiga oshirish asos yoki qoplamada yoriqlar paydo bo‘lishiga sabab bo‘ladi. GOST 23558-94 standartining 4.1.2 bandi bo‘yicha ishlov berilgan materiallar va mustaxkamlangan gruntlar sovuqbardoshligi bo‘yicha mos ravishda F5, F10, F15, F25, F50, F75 markalarga javob berishi lozim [4]. Lekin yuqoridagi kabi, standartning ushbu talablari ham ko‘p ob’yektlarda talab qilinmaydi.

Ishlov berilgan materiallar va mustahkamlangan gruntlarga bog‘lovchi sifatida qo‘llanilagan portlandsement, shlakoportlandsement, sulfat tuzlariga bardoshli va pussolan sementlar markasi qoplama uchun kamida 400 marka, asos uchun esa kamida 300 marka bo‘lishi kerak.

Sement bilan ishlov berilgan chaqiqtosh-qum, shag‘al-qumli aralashmalar va gruntlardan asos va qoplamalar qurishning asosiy qoidalari va kamchiliklari. ShNQ 3.06.03-08 ning 8.10 bandi talabiga asosan, sement bilan ishlov berilgan tosh materiallardan asoslarni (qoplamalarni) quruq havoda, kunlik o‘rtacha harorat $+5^0$C dan past bo‘lmaganda bajarilishi ko‘rsatilgan. Lekin, xavoning kunlik o‘rtacha harorati -5^0S dan -15^0C gacha bo‘lganda asosni, suv va to‘ldiruvchilarni isitish, qorishmaga muzlashga qarshi kimyoviy qo‘shimchalarni qo‘shib ishlarni

bajarishga ruxsat etilgan. Bunda suvning eng yuqori ruxsat etilgan harorati 80^0 C, to‘ldiruvchilarniki 50^0 C Qorishmaning qorishtirgichlardan chiqishdagi harorati kamida 25^0 C bo‘lishi kerak. Qorishmalarni avtomobil chiqarayotgan gazlar bilan isitish va samosval kuzovlarini yopib tashish lozim. Qorishmalarni tashish uchun ketadigan vaqtni ishlab chiqarish oldidan aniqlanadi, lekin 60 minutdan oshmasligi kerak[7].

Ishlov berilgan material va mustahkamlangan gruntlarni yuk tashuvchi avtomobillarning har qanday turida tashish mumkin. Bog‘lovchi sifatida portlandsement, shlakoportlandsement, sement bilan faollashtirilgan shlakli va kulli bog‘lovchilar, suyuq shisha qo‘llanilganda ishlab chiqarish va zichlash ishlari davomiyligi 5 soatdan ortmasligi kerak.

Ostki qatlam qabul qilingandan keyin qorishma yotqizish ishlariga kirishiladi. Ostki qatlam loyihaviy balandlikda tekislangan va to‘liq zichlangan bo‘lishi kerak. Asos qurish ishlarini boshlashdan oldin geodezik o‘lchov ishlarini amalga oshirish lozim. Ishlarni davomiyligini ta’minlash maqsadida materiallarni tashib keltirish uchun vaqtinchalik kirish yo‘llari tayyorlanadi. Ishlarni bir me’yorda bajarilishini ta’minlash uchun yetarli miqdorda qurilish mashinalari, avtosamosvallar va ishchi kuchi tashkil qilinishi kerak.

Bajarilish mexanizmi. Ishlov berilgan material yoki mustaxkamlangan gruntlardan asos, asosning qo‘shimcha qatlami va qoplamalar uch xil usulda qurish mumkin.

1. Asfaltbeton va beton yotqizish mashinasida
2. Avtogreyderda
3. Resayklerda

Ostki qatlam qabul qilingandan keyin qorishma yotkizish ishlariga kirishiladi. Ostki qatlam loyixaviy balandlikda tekislangan va to‘lik zichlangan bo‘lishi kerak. Asos qurish ishlarini boshlashdan oldin geodezik o‘lchov ishlarini amalga oshirish lozim. Ishlarni davomiyligini ta’minlash maqsadida materiallarni tashib keltirish uchun foydalaniladigan vaqtinchalik kirish yo‘llarini tayyorlanadi. Ishlarni bir me’yorda bajarilishini ta’minlash uchun yetarli miqdorda qurilish mashinalari, avtosamosvallar va ishchi kuchi tashkil qilinishi kerak[6].

Ishlov berilgan material hajmi asos uchun tayyorlangan ko‘tarma ko‘rinishidagi holati kengligi, uzunligi va qalinligi zichlangan holati bo‘yicha aniqlanadi. Qalinlik ish borishining boshlang‘ich davrida tajribaviy zichlash orqali zichlanish zaxirasini 1,2-1,4 miqdorda hisobga olgan holda aniqlab olinadi.



2-rasm. Obektlarga qorishmani yetkazish va zichlash jarayoni

Bunday yo‘l qurilish usulining qulayliklari quyidagicha:

- zichlash koeffitsiyentini aniqlab olgandan so‘ng sim arqon (tross) tortib talab qilingan qalinlikka osongina erishish;
- tashib keltirilayotgan qorishma turib qolmasdan joyga yotqizilishi;
- geodezik o‘lchov ishlarining xajmini kamayishi;
- talab qilingan kenglik chegaralariga yog‘och bruslar o‘rnatilmasligi.

Albatta barchamizga ma’lumki har bir ishning afzallik tomoni bo‘lgani singari , Natijaga erishish uchun uchraydigan qiyinchiliklariham bo‘ladi albatta. Olib borilayotgan ilmiy izlanishlarimn natijasida shunga amin bo‘ldimki quyidagicha marakkablik jarayonlari mavjud

Albatta har bir ish bo‘lgandan keyin unda kamchiliklarham uchrab turadi. Olib borilgan ilmiy izlanishlar natijasida quyidagilar aniqlandi.





3-rasm. Qurilish obektida noteisliklarni hisob kitob ishlari va qoplamasini qurish usullari

Sementli qorishma yotqizishda xozirda gusenisali kuchli asfalt yotqizish mashinasi kamligi, mashinaning qorishma uzatish moslamasi tez yemirilishi. texnik nosozliklar sababli ish to‘xtab qolishi, qorishmaning avtosamosvallarda turib qolgani uni natijasida qurib qolishi, qotish jarayoni boshlanishi tufayli yotqizilgan qatlam sifati yuzada sochilish(shelusheniya) yuzaga kelishi va mustahkamlikni yo‘qotish) pasayib ketish xollari kuzatilmoqda. Bajarilgan ishlarda mexanizm to‘xtab turgan qismlarda notekisliklar paydo bo‘lishi, birinchi qator va keyingi qatorlar orasidagi choklarda nuqsonlar paydo bo‘lishiga sabab bo‘lmoqda[5].

Istiqboli. Ushbu ilmiy maqolamning istiqboli jihati shundaki, olib borilgan ilmiy izlanishlar shuni isbotladiki toshi betonli yo‘l quradigan bo‘lsak yo‘llarimizga ketayotgan milyardlab mablag’larni tejab qolgan bo‘lamiz. Bularning yaqqol misoli shundaki bugungi kunda 79465 ming kilometrni mahalliy ichki ho‘jalik yo‘llarimiz mavjud bo‘lib bularning 90 % qismiga qattiq qoplama yotqizishimiz kerak bo‘ladi qattiq qoplama yotqizish uchun sarflangan mablag’ning 60% qismi bilan bunday chaqiqtoshli toshi beton qoplamali yo‘llarni qurishimiz mumkin.

Xulosa. Yuqorida ko‘rilgan kamchiliklarni inobatga olgan holda asos va qoplamalar avtogreyderda qurish: Qorishmalar avtosamosvallarda tashib keltirilib, chetki qismiga yog‘och bruslar o‘rnatilgan yo‘l qismiga avtogreyderlar yordamida dastlabki tarqatish ishlari bajariladi va katok yordamida boshlangich zichlanadi. Geodezik o‘lchov ishlari bajarilgandan so‘ng balandligi otmetkalari ta’minlagan holda qorishma tarqatilib katoklar yordamida belgilangan tartibda zichlash ishlari bajariladi. Bu usulning qulayligi shundaki, tashib keltirilgan qorishma avtosamosvallarda turib qolmaydi, o‘z vaqtida obyektga yetkazib kelinsa, yetarli muddatda yotqizib bo‘linsa aytilgan mustahkamlikka erishish mumkin bo‘ladi albatta.

Keyingi afzalligi shundaki, yuzaga kelgan notekisliklarni zichlash ishlari yakuniga yetgunga qadar bartaraf etish mumkinligi.Yana bir usuli qatlamda bo‘ylama choklarsiz yotqizilish imkoni borligi. Yuqoridagi kamchiliklar bartaraf etilgandan so‘ng, albatta, natijadorlik ortadi va yo‘llarimizdagi yaroqlilik muddati ortadi, va shu bilan bir qatorda, foydalanish muddati uzygandan so‘ng iqtisodiy jihatdan ham samaradorlikka erishish mumkin bo‘ladi albatta.

ADABIYOTLAR

1. Saydazimov N. et al. RESEARCH OF METHODS OF REPAIR OF CEMENT CONCRETE PAVELS //Экономика и социум. – 2020. – №. 11. – С. 1677-1680.
2. Saydazimov N. et al. IMPROVING THE ELASTICITY OF CEMENT-CONCRETE ROADS //Теория и практика современной науки. – 2020. – №. 11. – С. 6-10.
3. Qo‘Ysinaliyev N. Z. O. G., Muxiddinov S. Z. O. G. AVTOMOBIL YO‘LLARIDA SEMENTBETON QOPLAMALARINING AFZALLIGI //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 10. – С. 356-362.
4. Koysinaliev N., Erkinov S., Ahmadjonov M. Improving the drainage system of highways using plastic materials in response to today's demand //Экономикаисоциум. – 2021. – №. 3-1. – С. 146-149.
5. Mutalibov I. et al. AVTOMOBIL YO‘LLARIDA SEMENTBETON QOPLAMALARNI MUSTAHKAMLIGINI OSHIRISH TEXNOLOGIYASINI TAKOMILLASHTIRISH //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 10. – С. 681-686.
6. Saydazimov N. et al. IMPROVING THE ELASTICITY OF CEMENT-CONCRETE ROADS //Теорияипрактикасовременнойнауки. – 2020. – №. 11. – С. 6-10.
7. Dadaxodjayev A. et al. Creating a road database using gis software //Интернаука. – 2020. – №. 43-2. – С. 30-32.

UDK: 629.4.017

AVTOMOBIL YO‘LLARI UCHUN MAHALLIY VA IKKILAMCHI XOM-ASHYOLAR ASOSIDA MASTIKA OLISHNING ILMIY ASOSLARI

Maxkamov Dilshod Ismatullaevich
Namangan muhandislik – qurilish instituti. dotsent. PhD
E-mail: Dilshodbek.ilm@gmail.com. Tel: +998993627801

Xabibullayev Alimardon Xidoyatillayevich
Namangan muhandislik – qurilish instituti. dotsent. t.f.n.
E-mail: khabibullaev84@mail.ru Tel: +998972574656

A’zamov Rahmatali Rohatali o‘g’li
Namangan muhandislik – qurilish instituti. Stajyor o‘qituvchi
E-mail: raxmatali19951628@gmail.com Tel: +998902615540

Qo‘ysinaliyev Nuriddin Zafarali o‘g'li
NamMQI, o‘qituvchi qoysinaliyevn776@gmail.com, (998994922726)

Annotatsiya. Ushbu maqolada Avtomobil yo‘llarini ekspluatatsiya qilish davrida asfaltbeton qoplamada paydo bo‘ladigan yoriqlarini hamda sementbeton qoplamalarni

ko‘ndalang va bo‘ylama choklarini to‘ldirish uchun mahalliy va ikkilamchi xom ashyolar asosida sifatli mastika olish taklif qilingan.

Аннотация. В научной статье предлагается получать качественные мастики на основе местного и вторичного сырья для заполнения трещин, возникающих в асфальтобетонных покрытиях и поперечных и продольных швах цементобетонных покрытий в процессе эксплуатации автомобильных дорог.

Annotation. The scientific article proposes to obtain quality mastic based on local and secondary raw materials to fill cracks in the asphalt pavement and cement concrete pavements during the operation of roads, as well as transverse and longitudinal seams.

Kalit so‘zlar. Avtomobil yo‘llarini ekspluatatsiya qilish, asfaltbeton, sementbeton, mastika, choklar, rezina kukuni, bitum, asbest kukuni, mineral kukun, penitrasiya, deformatsion, kompozitsiya, ingrediyentlar, duktilometr, kommunikatsiya, cho‘ziluvchanlik.

Ключевые слова. Эксплуатация автомобильных дорог, асфальтобетон, цементобетон, мастика, швы, резиновый порошок, битум, асбестовый порошок, минеральный порошок, пенитрация, ингредиенты, дуктилометр, коммуникация, удлинение.

Keywords. Maintenance of roads, asphalt concrete, cement concrete, mastic, seams, rubber powder, bitumen, asbestos powder, mineral powder, penitration, deformation, ingredients, ductilometer, communication, elongation.

Asosiy qism

Dunyoda bugungi kunda transport tarmog’ining texnik holatini yaxshilashga va transport kommunikatsiyalari tarmoqlarini yanada rivojlantirishga talab tobora ortib bormoqda. Bu yo‘nalishda asfaltbeton qoplamalarning yoriqlari va beton qoplamalarning deformatsion choklarini to‘ldirish uchun zamonaviy talablarga javob beradigan samarali kompozitsion materiallar, ular asosida mastikalar olish va ularning samarali texnologiyalarini yaratishga alohida e’tibor qaratilmoqda[1].

Mastika yoriq ichini yaxshi to‘ldirishi va devorlarga yaxshi yopishishi kerak, shunda qoplama ichiga suv o‘tmaydi.

Yoriqlarni to‘ldirishga ishlatiladigan mastikaning tarkibi ikki xil bo‘ladi. Birinchisining tarkibida BND 40/60 bitum 50% va mineral kukun 50% bo‘ladi. Ikkinchisida o‘sha bitumdan 50%, mineral kukundan 35%, asbest donalari 10%, rezina uvoqlari 5%. Mastika zavod sharoitida ishlab chiqariladi.

Yoriqlar ko‘p bo‘lmasa, ularga to‘ldirgich yordamida mastika quyiladi. Mastikani quyish jarayonida yoriqlar chetigacha mastika bilan to‘lishi, ozgina toshib chiqishi kerak. Keng yoriqlarning ichi maxsus asboblar yordamida ta’mirga tayyorlab ishlanadi. Bu asboblar qoplamalarni ta’mirlash, yoriqlarni to‘ldirish mashinasi komplektiga kiradi. Shu mashina va chokni to‘ldirish asbobidan mastika quyib chiqishda ham foydalaniladi.

Sementbeton qoplamali yo‘llarda deformatsiya choklarini ta’mirlashda katta yoriqlarni ta’mirlagandagidek texnologiya qo‘llanadi. Bunda kompressor, pnevmo asboblar, bitum quygichlar ishlatiladi.

Avtomobil yo‘llari qoplamalari uchun foydalaniladigan samarali mastikalar ishlab chiqarishda quyidagi materiallar ishlatildi: BND-40/60, BND 60/90; rezina kukuni (TU-38-10436-70); mineral kukun; asbest kukuni[2,3].

Yuqorida aytib o‘tilgan bog’lovchilar va to‘ldiruvchilar turli xil ko‘rsatkichlarga ega bo‘lganligi sababli, tadqiqot ob’yektini tanlashimizdan oldin barcha ingrediyentlarning fizik-mexanik xossalarini va strukturalarini batafsil tadqiq etib chiqdik. Eng avvalo mahalliy va

ikkilamchi xomashyolar asosida tanlab olingan organomineral ob'yektning, xususan: mineral kukun; asbest kukunining kompleks fizik-kimyoviy xususiyatlarini va strukturasini o'rgandik. Avtomobil yo'llarining asfaltobeton qoplamalari yoriqlari va beton qoplamalari deformasion choklari uchun qo'llaniladigan mastikalarni yaratishga oid xarakteristikalar esa adabiyotlarda amaliy jihatdan mavjud emas.

Birinchi navbatda tarkibi 60% bo'lgan BND60/90 markali bitum, 25% mineral kukun, 5% rezina kukun, 10% asbest kukun: 71^0S yumshash harorati; 25^0S haroratda cho'ziluvchanligi 5,1 sm; penitrasiyasi 47 mm^{-1}; suvga to'yinuvchanligi 0,2 soat va qaynash vaqti 1 soatdan iborat namunaviy mastika tanlab olindi va tadqiq qilindi.


Bitum, rezina kukuni, mineral kukun; asbest kukuni kabi ingrediyentlarni tarkibiga bog'liq holda namunaviy mastikani fizik- mexanik xossalarining ko'rsatkichlari juda muhim ekanligi aniqlandi.

Natijada BND60/90 markali bitum miqdorini oshirish orqali yumshash harorati ko'rsatkichlari yaxshilandi, penitrasiya va cho'ziluvchanlik ko'rsatkichlari bir maromda kamaydi. BND 60/90 markali bitumni qo'llashda esa teskari qonuniyat, ya'ni kompozisiyadagi bitumni miqdorini oshirish penitrasiyani va cho'ziluvchanlikni oshishiga hamda yumshash harorati va beton bilan bog'lanish mustahkamligini kamayishiga olib keldi.

Namunaviy kompozisiya tarkibiga asbest kukuni qo'shish uning fizik-mexanik xossalarini oshishiga olib keldi. Strukturasi tarkibida reaksiyaga kirishuvchi gidroksil guruh borligi tufayli reaksiyaga kirishadi. Natijada polikondensasion jarayonlardan namunaviy kompozisiya tizimining o'rtacha molekulyar og'irligi oshadi.

Mastika tarkibidagi rezina kukuni miqdorini oshirilishi ignani botish chuqurligidan boshqa barcha fizik-mexanik xossalarini oshishiga olib keldi, mineral kukun miqdorining oshirilishi natijasida esa yumshash harorati oshishi va cho'ziluvchanlik hamda ignani botish chuqurligi kamayishi kuzatildi. Asbest kukuni mastikaning fizik mexanik xossalarini, shu bilan birga ignani botish chuqurligining oshishiga sezilarli ravishda ta'sir qiladi.

Yaratilgan mastikaning sifat ko'rsatkichlarini yanada yaxshilash maqsadida rezina kukunning mastikalarning barcha xususiyatlariga ta'siri o'rganildi[3].




1-rasm. Mastika xususiyatlarining yumshash xarorati miqdoriga bog'liqligi.

1-rasmdan ko'rinadiki, rezina kukuni mastikani kompleks xossalarini yaxshilaydi. Rezina kukunining 5 dan 10% gacha oshirilishi yumshash haroratini 50ºS dan 90ºS gacha oshirdi. Beton bilan bog'lanish mustahkamligi esa 0,6 MPa dan 1,15 MPa gacha ko'tarildi.

Penitrasiya va cho‘ziluvchanlik ko‘rsatkichlari 25ºS haroratda o‘z ko‘rsatkichlarini respublika texnik shartlari talablariga binoan saqlab qoldi[4].


Rezina kukuni ma’lum ma’noda BND 60/90 markali bitum rolini bajaradi deb xulosa qilishimiz mumkin. Bu esa, ishlab chiqarilgan kompozitsion germetiklovchi mastika mavjud mastikalarga nisbatan ancha yuqori ko‘rsatkichlarga ega ekanligini ko‘rsatadi.



2-rasm. Mastika xususiyatlarining igna botish chuqurligi miqdoriga bog’liqligi

2-rasmdan ko‘rinadiki, rezina kukunining 5 dan 10% gacha oshirilishi penitratsiyasi (igna botish chuqurligi)ni 46 mmdan 38 mmgacha kamaytirdi.

Mastika tarkibidagi asbest kukuni xam ma’lum ma’noda penitratsiyasi (igna botish chuqurligi)ni kamaytirdi deb deb xulosa qilishimiz mumkin. Bu esa asbest kukunidan mastika tayyorlashda foydalanish sifatli mastika olishni kafolatlashiga olib keladi.



3-rasm. Mastika xususiyatlarining cho‘ziluvchanlik miqdoriga bog’liqligi

3-rasmdan ko‘rinadiki, mineral kukun va rezina kukunidan foydalanganimizda mastikaning cho‘ziluvchanligini 5,5 sm oshishiga olib keldi.

Namunaviy mastikaning fizik-mexanik xususiyatlariga bitum, mineral kukuni, rezina kukuni, asbest kukuni va bir qancha organik va noorganik ingrediyentlarni ta’sirini kompleks o‘rganib shunday xulosaga keldikki, asfaltobeton va sementobeton qoplamali yo‘llardan foydalanish uchun yuqori markali mastikalar yaratish mumkin.

Yaratilgan kompozitsion germetiklovchi mastikalarning tarkibi 1-jadvallarda keltirilgan.

1-jadval

Komponentlar	**Yo‘l iqlim mintaqalari uchun mastika tarkibi, %**				
	I	**II**	**III**	**IV**	**V**
Bitum BND 60/90	60	59	58	57	56
Mineral kukun	25	25	25	25	25
Rezina kukuni	5	6	7	8	9
Asbest kukuni	10	10	10	10	10

Yaratilgan 5 ta markali mastikaning xalqa va shar usuli bo‘yicha yumshash haroratini, penitrometr jixozi yordamida ignani botish chuqurligini, duktilometr jixozi yordamida cho‘ziluvchanligini aniqladik. Tekshirish natijalariga ko‘ra yaratilgan V-markali mastikada yuqori natijalarga erishilganligini 2- jadvalda ko‘rishimiz mumkin.

2-jadval

Ko‘rsatgichlar	**I**	**II**	**III**	**IV**	**V**
Xalqa va shar usuli bo‘yicha yumshash harorati, ^{0}s, kam emas	50	60	70	80	90
25 ^{0}s da ignani botish chuqurligi, 0,1 mm, kam emas	38	40	42	44	46
Cho‘ziluvchanligi, 25 ^{0}s da, kam emas	5,1	5,2	5,3	5,4	5,5
Suvga to‘yinuvchanligi, 24 soatda, kam emas	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2
Tayyorlash vaqti, soat	1,0-1,2				

Shunday qilib, avtomobil yo‘llarining asfaltobeton qoplamalari yoriqlari va beton qoplamalarining deformasion choklarini germetiklash uchun bir qator kompozitsion materiallar va mastikalarning quyidagi samarali tarkiblari birinchi marta yaratildi: **I, II, III, IV, V**. Ushbu kompozitsion germetiklovchi mastikalarni - 30 dan + 90^{0}S gacha bo‘lgan harorat oralig’idagi iqlim sharoitlarida ishlatish mumkin[5,6].

Xulosa

